


## II. НАРХЛАР

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари ўртача 9,7 %га кўтарилди.

### Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий истеъмол нархлари индекси, %



2018 йилнинг сентябрь ойига нисбатан республика истеъмол секторидаги ўртача нархлар даражаси 16,0 %га ошган.


*Таққослаш учун: 2018 йилнинг 9 ойи давомида товар ва хизматлар нархлари 8,1 %га, 2017 йилнинг сентябрига нисбатан эса 16,2 %га қимматлашган.*

Қуйида намоиш этилган қисқа муддатли ойлик истеъмол нархлари ва тарифлари динамикаси маълумотларига кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нархлар қимматлашининг энг юқори чўққиси август ойида рўйхатга олинган бўлиб (102,9 %), ўтган йилнинг мос даврида эса ой давомидаги энг юқори кўрсаткич январь ойида қайд этилган (102,7 %).

Шу билан бирга, 2019 ва 2018 йилларнинг 9 ойи давомидаги ойлик нархлар тебраниши динамикаси январь-май ойларида нархларнинг ўсиши ўхшаш тенденцияни, кейинчалик июнь ва июль ойларида нархларнинг пасайиши ҳамда август ойидан нархларнинг кўтарилганлигини акс эттирмоқда. Бу асосан мавсумий тенденциялар ҳамда мева ва сабзавотлар гуруҳлари нархларининг бозорларнинг тўйинганлик даражасига қараб сезиларли даражада ўзгариши билан боғлиқ.

### Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий истеъмол нархлари индекси динамикаси, %

ўтган ойга нисбатан




Изоҳ: шу ва кейинги инфографикалардаги рим рақамларида ойлар акс эттирилган

Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 2018 ва 2019 йилларнинг биринчи тўққиз ойи давомидаги истеъмол нархлари индекси натижаларига асосан, январь ойидан июль ойига қадар кўрсаткичлар орасидаги тафовут август ва сентябрь ойлари ўртасидаги фарқ каби аҳамиятли эмас эди. Шундай қилиб, биринчи 7 ойлик кўрсаткичлар орасидаги диапазон январь ойида қайд этилган бўлса (102,7 %га қарши 101,5 %, ёки 1,2 даражада), август ойига келиб фарқланиш даражаси 2,0 даражани ташкил этган (106,2 %га қарши 108,2 %) ва сентябрь ойида 1,6 даражага тенг бўлган (108,1 %га қарши 109,7 %).

### Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий истеъмол нархлари индекси динамикаси, %

ўтган йилнинг декабрга нисбатан




Жорий йилнинг январь-июль ойларида йиллик умумий истеъмол нархлари индексининг нисбатан барқарорлигидан сўнг, август ойида сезиларли даражада ошди (113,5 % дан 116,5 % гача), шундан сўнг сентябрь ойида бироз пасайиш кузатилди (16,0% гача). Умумий ҳисобда 2018 йилнинг январь ойидан 2019 йилнинг август ойига қадар қайд этилган минимал кўрсаткич 2019 йилнинг январь ойига тўғри келса (113,0 %), максимал кўрсаткич 2018 йилнинг январь ойида қайд этилган (120,1 %).

Ўртача ойлик нарх индекслари ўсиш суръатининг ҳисобланиш тартибига кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомидаги истеъмол нархлари индекси 1,0 %ни, 2018 йилнинг январь-сентябрида эса 0,9 %ни ташкил этган.

Қуйида 2018 йилнинг январидан умумий истеъмол нархлари индексининг ойлик динамикаси йиллик кўринишда акс эттирилган:

### Ўзбекистон Республикаси бўйича умумий истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



Умумий ҳисобда 2019 йилнинг уч чораги давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 8,4 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 8,8 %, хизматлар 13,7 %га қимматлашган.

Таққослаш учун: 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2018 йилнинг сентябрида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 6,0 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 9,1 %, хизматлар эса 10,1 %га қимматлашган.

Йиллик кўринишда (2019 йил сентябрь оyi 2018 йилнинг сентябрь ойига нисбатан) озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 17,5 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 12,1 %, хизматлар 19,5 %га кўтарилди.

Таққослаш учун: 2017 йилнинг сентябрь ойига нисбатан 2018 йилнинг сентябрь ойида ҳам нархларнинг ўсиши бўйича етакчи ўрин озиқ-овқат маҳсулотларига тегишли бўлган (17,5 %). Ноозиқ-овқат маҳсулотлари йиллик кўринишда 16,6 %, хизматлар 11,8 %га қимматлашган.

**2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича  
асосий турдаги товарлар ва хизматлар гуруҳларнинг  
истеъмол нархлари индекси, %**



Озиқ-овқат маҳсулотлари	
2018 йилнинг декабрига нисбатан	108,4 %
2018 йилнинг сентябрига нисбатан	117,5 %



Ноозиқ-овқат маҳсулотлари	
2018 йилнинг декабрига нисбатан	108,8 %
2018 йилнинг сентябрига нисбатан	112,1 %




Хизматлар	
2018 йилнинг декабрига нисбатан	113,7 %
2018 йилнинг сентябрига нисбатан	119,5 %

2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан ҳисобланган узоқ муддатли истеъмол нархлари индексида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари индекси 124,5 %, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 122,3 %, хизматлар 131,7 %ни ташкил этган. Ушбу давр мобайнида умумий кўрсаткич 25,3 %га кўтарилган.

2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан ҳисобланган истеъмол нархлари индекси динамикаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар нархларининг ўзгариши бир маромда қимматлашганлиги билан тавсифланади. Шу билан бир қаторда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг тебраниши тўлқинсимон характерга эгаллиги том маънода мавсумийлик хусусиятига эга алоҳида турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши билан боғлиқ (мева-сабзавот, сут маҳсулотлари, тухум ва бошқалар).



2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан  
Ўзбекистон Республикаси бўйича  
товарлар ва хизматлар асосий гуруҳларининг  
истеъмол нархлари индекси, ўсиш суръати %



2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ҳар бир йирик товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича ойлик нархлар кўтарилиши ёки пасайиши динамикаси таҳлиliga кўра, апрель, май ва август ойларини ҳисобга олмаган ҳолда, умумий истеъмол нархлари индексига озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг таъсири юқори даражада бўлди. Жорий йилнинг апрель ва май ойларида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўзгариши таъсири бир ҳил натижага эга бўлиб (апрель ойида 0,4 ф.д.дан<sup>1</sup>, май ойида 0,2 ф.д.дан), август ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг таъсири хизматлар таъсиридан пастрок бўлди (1,0 ф.д.га қарши 1,2 ф.д.).

Озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг таъсири мутлақ равишдаги максимал қиймати 2019 йил январь ойида қайд этилган (1,2 ф.д.).

Август ойидаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши ой давомидаги умумий истеъмол нархлари индексига сезиларли даражада таъсир этган (0,7ф.д.).


Хизматлар тарифларининг кўтарилиши ва унинг ой давомидаги умумий кўрсаткичнинг ўсишига сезиларли даражадаги таъсири август ойида кузатилган (1,2 ф.д.).

2019 йилнинг ўтган ойлари давомида асосий гуруҳлар бўйича нархлар ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари таъсири динамикаси қуйидаги кўринишда тақдим этилган:

<sup>1</sup> Фоиз даражаси

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси  
бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг  
ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари индекси  
ўсишидаги таъсири, ф.д.**

**ўтган ойга нисбатан**




■ озиқ-овқат маҳсулотлари      ■ хизматлар  
■ ноозиқ-овқат маҳсулотлари      ■ барча товарлар ва хизматлар

Жорий йилнинг июль ва август ойлари натижаларини инобатга олганда, 2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан умумий истеъмол нархлари индексининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг қимматлашиши билан боғлиқ. Июль ойида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархларининг ўсиши ҳамда уларнинг таъсирида тенглик кузатилган (2,0 ф.д.дан). Август ойида ҳар уч гуруҳнинг таъсири максимал даражада бир-бирига яқинлашиб, бироқ озиқ-овқат маҳсулотлари таъсири бироз устунликка эга бўлди (3,0 ф.д, 2,7 ф.д., 2,5 ф.д). Сентябрь ойида эса ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар таъсири бир хил кўрсаткични ташкил этиб (0,3 ф.д.дан), озиқ-овқат маҳсулотлари таъсирига нисбатан 0,7 ф.д.да ортда қолган.

*Таққослаш учун:* ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 2018 йилнинг сентябрида умумий истеъмол нархлари индекси таркибида ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархларининг ўсиши етакчи ўринни банд этган вақтда (3,2 ф.д.) хизматлар 2,3 ф.д.да, озиқ-овқат маҳсулотлари таъсири эса 2,6 ф.д.ни ташкил этган.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси  
бўйича товарлар ва хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг  
ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари индекси  
ўсишидаги таъсири, ф.д.**

Ўтган йилнинг декабрга нисбатан




Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 ва 2018 йилларнинг сентябрь ойларидаги умумий истеъмол нархлари индекси қуйидагича тавсифланади: 2019 йилнинг сентябрь ойида озиқ-овқат маҳсулотларининг таъсири 37,9 % (2018 йилнинг сентябридаги 32,1 %га қарши), ноозиқ-овқат маҳсулотлари 31,4 % (39,5 %га қарши), хизматлар 30,7 % ташкил этди (28,4 %га қарши).

Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан товарлар ва хизматлар нархидаги ўзгаришларнинг умумий истеъмол нархлари индексининг ўсишига таъсири динамикаси озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари томонидан инфляцион босимнинг босқичма-босқич пасайиши билан тавсифланади (таъсири улуши январь ойида 80,0 %дан сентябрь ойида 37,9 %гача пасайган). Салмоғи жиҳатидан ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархларининг ўсишива унинг таъсири эса аксинча, жорий йилнинг январь ойида 13,3 %дан сентябрь ойида 31,4 %гача ошди. Хизматлар тарифларининг нархларининг ўсиши ва унинг истеъмол нархлари индексига таъсири улуши 2019 йилнинг январь ойида 6,7 %дан сентябрь ойида 30,7 %гача кўтарилди.



Асосий гуруҳлар бўйича товарлар ва хизматлар нархлари ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари индекси ўсишидаги таъсир улуши, %

ўтган йилнинг декабрга нисбатан




○ озиқ-овқат маҳсулотлари      ○ ноозиқ-овқат маҳсулотлари      ○ хизматлар

Йиллик кўринишда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кўтарилиши (2019 йил сентябрь 2018 йил сентябрга нисбатан) ва унинг умумий кўрсаткичнинг ўсишига қўшган ҳиссаси 7,6 ф.д.ни ташкил этган. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши натижасида умумий кўрсаткич қўшимча равишда 4,2 ф.д.га ўсди. Шунингдек хизматлар унинг ўсишига яна 4.2 ф.д.да таъсир этди.



2019 йилнинг сентябрь ойида асосий гуруҳлар бўйича товарлар ва хизматлар нархлари ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари индекси ўсишидаги таъсир улуши

ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



○ озиқ-овқат маҳсулотлари      ○ хизматлар  
○ ноозиқ-овқат маҳсулотлари      ➔ барча товарлар ва хизматлар



Салмоқ кўрсаткичлари бўйича озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар нархларнинг ўсиши таъсирининг нисбати мос равишда 47,5 %, 26,1 % ва 26,4 % ни ташкил этди.

*Таққослаш учун:* ўтган йилнинг сентябрь ойига нисбатан 2018 йилнинг сентябрида умумий истеъмол нархлари индекси озиқ-овқат (7,6 ф.д.), ноозиқ-овқат маҳсулотлар (5,9 ф.д.) ва хизматлар (2,7 ф.д.) нархларининг қимматлашиши таъсири остида ташкил топган. Салмоқ улуши нисбати кўрсаткичларида эса мас равишда 46,9 %, 36,4 % ва 16,7 %ни ташкил этган..

2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 %ни ташкил этган.



### Ўзбекистон Республикаси бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



2019 йил бошидан ўтган давр мобайнида озиқ-овқат маҳсулотларининг ойлик қисқа муддатли нархлар динамикаси анъанавий тарзда бошқа гуруҳларга нисбатан кўпроқ сезиларли даражадаги тебранишларга дуч келган. Шундай қилиб, ойма-ой нархлар кўтарилиши диапазони январь ойида 2,8 %дан май ойида 0,5 %гачани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг июнь ва июль ойларида мавсумий омиллар таъсирида ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархлари пасайган. Август ойига келиб эса озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари яна кўтарилди бошлади (ой давомида 2,3 %). Ушбу тенденция сентябрь ойида ҳам давом этди (ой давомида 1,4 %).

Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан 2018 ва 2019 йилнинг уч чораги давомида озиқ-овқат маҳсулотларидаги нархларнинг ўзгариши динамикаси ўхшаш тенденцияга эга бўлганлигини қуйида келтирилган маълумотда кўриш мумкин. Бироқ, таққосланаётган даврларнинг биринчи чорагида график чизиқлари бир-бирига яқинроқ бўлса, кейинги ойларида улар орасидаги тафовут кенгая бошлади. Ушбу жараён август ойига келиб энг сезиларли даражага етди (2018 йилда 102,6 % 2019 йилдаги 106,9 %га қарши).



## Ўзбекистон Республикаси бўйича озик-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %

ўтган йилнинг декабрига нисбатан




2019 ва 2018 йилларнинг сентябрь ойларида озиқ-овқат маҳсулотларининг йиллик истеъмол нархлари индекси кўрсаткичлари бир хил бўлишига қарамай (117,5 %), сўнгги икки йилнинг январь-сентябрь ойларида унинг ўзгариши динамикаси таҳлилларига кўра, ушбу даврларда мазкур гуруҳ товарлари нархларнинг ўзгаришини кўп қиррали тенденцияларга эга бўлганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, 2018 йилнинг январь ойида нархлар ўсишнинг энг юқори кўрсаткичига қайд этилгандан сўнг (26,8 %), йиллик истеъмол нархлари индекси пасайиш томон йўнала бошлади ва 2018 йилнинг август ойида ўсиш суръатининг энг минимал кўрсаткичи қайд этилди (15,4 %). 2019 йилнинг худди шу даврида, январь ойида эса аксинча, истеъмол нархлари индексининг йиллик минимал ўсиши суръати қайд этилган бўлиб (14,1 %), кейинчалик август ойида 19,7 % гача кўтарилди ва сентябрь ойида 17,5 % гача пасайди.



## Ўзбекистон Республикаси бўйича озик-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %

ўтган йилнинг мос ойига нисбатан




Озиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг нарх тенденцияларига кўра, йил бошидан гўшт, парранда гўшти ва балиқ (18,0 %), сут маҳсулотлари (12,5 %), алкогольсиз ичимликлар ва спиртли ичимликлар (11,8 % ва 9,9 %), шунингдек, шунингдек, умумий овқатланиш (16,5 %) нархлари сезиларли даражада қимматлашган.

*Таққослаш учун: 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида нон маҳсулотлари (21,0 %), гўшт, парранда гўшти ва балиқ (17,1 %), спиртли ичимликлар (12,6 %) нархлари бошқаларга нисбатан юқори даража кўтарилган.*

Қуйида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида асосий гуруҳлар бўйича озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси тақдим этилган:

### 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси бўйича нон маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %

#### Ўтган ойга нисбатан



#### Ўтган йилнинг декабрга нисбатан



Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан дон ва дуккакли маҳсулотлар нархлари 14,9 % (жумладан, гуруч 17,1 %)га, вермишель ва макарон маҳсулотлари 13,3 %га, буғдой уни 6,3 %га, олий навли буғдой унидан нон 5,2 %га, биринчи навли буғдой ундан нон 2,4 %, обинон 5,0 %га қимматлашди.


Йил бошидан гўшт, парранда гўшти ва балиқ маҳсулотлари нархлари ўртача 18,0 %га кўтарилди. Бу даврда мол гўшти (суяксиз гўшtidан ташқари) 21,6 %га, суяксиз мол гўшти 19,1 %га, қўй гўшти 19,5 %, тирик ва совутилган балиқ 16,9 %, парранда гўшти (сон қисмлардан ташқари) 3,9 %га, товук болдири ва сон қисмлари нархлари 3,7 %га ошди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
Ўзбекистон Республикаси бўйича гўшт, парранда гўшти ва балиқ  
маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**

**ўтган ойга нисбатан**




**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**



Умумий ҳисобда 2019 йилнинг уч чораги давомида сут маҳсулотлари нархлари 12,5 %га кўтарилди. Ушбу даврда қатиқ ва чучук қатиқ 16,7 %, қаймоқ 15,4 %, сут 15,3 %, қаттиқ пишлоқлар 9,7 %, суюлтирилган ва колбасали пишлоқлар 8,5 %, сметана 9,0 %, сут консервалари 6,0 %, йогуртлар 5,8 %га қимматлашган.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
Ўзбекистон Республикаси бўйича сут маҳсулотларининг  
истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**

**ўтган ойга нисбатан**



**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**



Январь ва февраль ойларида сезиларли даражада ўсишдан (ой давомида 3,2 %) ва мартдан июлгача нархларнинг мавсумий пасайишидан сўнг (ой давомида 1,5 %дан 0,1 %гача) сут ва ундан тайёрланган маҳсулотлар нархлари кетма-кет икки ой мобайнида 1,0 %га ошиб борди. Шу билан бирга, сентябрь ойида сметана ва қаймоқ нархлари ойига 1,5 %, йогурт ва сут 1,4 %, консерваланган сут 1,3 %, қаттиқ пишлоқ 0,9 %, суюлтирилган ва колбасали пишлоқлар 0,8 %га қимматлашди.


Жорий йилнинг тўққиз ойи давомидаги тухум нархининг қисқа муддатли индекслари динамикаси сезиларли даражадаги ўзгаришга дуч келган. Шундай қилиб, нархлар январь ойида 1,3 %га кўтарилганидан сўнг, февралдан июлгача нархлар ойма-ой 0,2 %дан (февраль) 3,5 %гача (июль) бўлган ораликда пасайиб, кейинги ойлар давомида нархлар яна кўтарилди бошлади (августда 3,5 %, сентябрда 8,2 %).

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
Ўзбекистон Республикаси бўйича тухум маҳсулотларининг  
истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**

**ўтган ойга нисбатан**



**ўтган йилнинг декабрига нисбатан**



Ўтган йилнинг декабрига нисбатан январь-сентябрь ойларида тухум нархлари сезиларли даражада ўзгарди. Шу билан бирга, январь-июль ойларида уларнинг нархи 8,9 %га пасайди. Кейинги икки ой ичида нархлар 12,0 %га ошди ва бунинг натижасида 2019 йил январь-сентябрь ойларида тухумнинг истеъмол нархлари индекси 102,0 %ни ташкил этди.

Йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари нархлари динамикаси анъанавий равишда кўп ўзгаришларга эга бўлган. Ой давомида нархлар ўсишининг энг юқори даражаси январда қайд этилиб (8,3 %), максимал даражадаги пасайиш июлда (11,1 %) рўйхатга олинган.

Умумий ҳисобда жорий йилнинг тўққиз ойи давомида бодринг 78,4 %, помидор 68,4 %, тарвуз 30,8 %, қовун 13,1 %, нок 6,6 %, карам 5,3 % ва картошка нархлари 0,9 %га арзонлашган. Ушбу давр мобайнида сезиларли даражада пиёз 76,6 %, сабзи 37,4 %, цитрус мевалар 22,0 %, банан 18,1 %, қуруқ мевалар 8,1 % ва олма нархлари 7,3 %га қимматлашган.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
Ўзбекистон Республикаси бўйича мева ва сабзавот маҳсулотларининг  
истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**



2019 йилнинг январь-сентябрида шакар, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ҳар ойда 0,1 %дан (июль) 1,7 %гача (февраль) бўлган ораликда кўтарилган.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
Ўзбекистон Республикаси бўйича шакар, чой ва бошқа озиқ-овқат  
маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**




Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан шакар ва қандолат маҳсулотлари 8,9 %, қаҳва ва чай 2,9 %, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 3,8 %га ошди.

Ўтган йилнинг охири билан таққослаганда 2019 йилнинг сентябрь ойида ёғ ва мой маҳсулотлари нархлари 5,1 %га, жумладан, сариёғ 12,7 %, кунгабоқар ёғи 3,9 %, пахта ёғи 2,6 %га қимматлашган.


**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
Ўзбекистон Республикаси бўйича ёғ ва мой маҳсулотларининг  
истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**



**Ўтган ойга нисбатан**



**Ўтган йилнинг декабрига нисбатан**



Умумий овқатланиш масканларидаги нархлар ҳар ойда 0,7 %дан 3,4 %гача ораликда кўтарилган. Сентябрьда умумий овқатланиш муассасаларидаги нархлар ой давомида 1,8 %га қимматлашди. 2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан ушбу гуруҳ нархларининг ўсиши 16,5 %ни ташкил этдиб, бу асосан озиқ-овқат маҳсулотлари умумий нархларининг ўсиши билан бир қаторда асосий турдаги коммунал хизматлар нархларининг ошиши, шунингдек, ёқилғи-мойлаш материаллари нархларининг қимматлашиши билан боғлиқ.

Кузатилаётган бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳлари ичида спиртли ичимликлар нархлари жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 9,9 %га, (жумладан сентябрьда 0,5 %), алкогольсиз ичимликлар 11,8 %га (сентябрьда 1,2 %) қимматлашди.

Йиллик кўринишда тухум нархлари бошқаларга нисбатан юқорироқ даражада қимматлашди (28,4 %). Нархларнинг ўсиши бўйича кейинги ўринларни гўшт, парранда гўшти ва балиқ (22,7 %), мева ва сабзавотлар (19,9 %), сут (18,7 %) ва нон маҳсулотлари (15,7 %), спиртли (13,1 %) ва алкогольсиз ичимликлар (12,3 %) банд этган.

Йиллик кўринишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи нархларининг ўзгариши қуйидаги кўринишда тақдим этилган:


**2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича  
асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларининг  
истеъмол нархлари индекси, %**

**ўтган йилнинг сентябрига нисбатан**



**Нон маҳсулотлари**

**115,7 %**



**Гўшт, парранда  
гўшти ва балиқ**

**122,7 %**



**Тухум**

**128,4 %**



**Сут  
маҳсулотлари**

**118,7 %**



**Ёғ ва мойлар**

**112,2 %**



**Мевалар, сабзавотлар  
ва картошка**

**119,9 %**



**Шакар, чой ва бошқа  
маҳсулотлар**

**110,9 %**



**Алкоголсиз  
ичимликлар**

**112,3 %**



**Спиртли  
ичимликлар**


**113,1 %**

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий йилнинг сентябрида нархларнинг қимматлашиши ва унинг умумий истеъмол нархлари индекси таркибида таъсири бўйича етакчи ўринларни гўшт, парранда гўшти ва балиқ (1,92 ф.д.) ҳамда нон маҳсулотлари эгаллаган (0,72 ф.д.). Мева-сабзавот маҳсулотлари нархларининг арзонлашиши умумий кўрсаткичнинг 0,44 ф.д.да пасайишига олиб келди.



**2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича  
озик-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳлари нархлари ўзгаришининг  
истеъмол нархлари индекси ўсишидаги улуши, ф.д.**

ўтган йилнинг декабрга нисбатан



- мевалар, сабзавотлар ва картошка
- нон маҳсулотлари
- гўшт, парранда гўшти ва балиқ
- сут маҳсулотлари
- тухум
- ёғ ва мойлар
- шакар, чой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари
- бошқалар

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 0,9 %ни, 2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан нархлар 8,8 %га қимматлашган.

Йиллик кўринишда (2019 йил сентябрь оyi 2018 йил сентябрь ойига нисбатан) ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача 12,1 %га ўсган.


*Таққослаш учун: 2018 йилнинг январь-сентябрида ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол нархлари индексининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,0 %ни ташкил этган.*

2018 йилнинг ilk тўққиз ойи давомида ушбу гуруҳ товарлари нархлари ўртача 9,1 %га ошган. 2017 йилнинг мос ойига нисбатан эса нархларнинг ўсиш суръати 16,6 %ни ташкил этган.



**Ўзбекистон Республикаси бўйича  
ноозиқ-овқат маҳсулотларининг  
истеъмол нархлари индекси динамикаси, %**

ўтган ойга нисбатан



2019 ва 2018 йилларнинг тўққиз ойи давомидаги ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг қисқа муддатли ойлик истеъмол нархлари индекси динамикаларини таққослаш натижалари қуйида кўрсатилган.

Шундай қилиб, 2018 йилда ушбу товарлар гуруҳидаги истеъмол нархлари индексининг юқори даражадаги кўрсаткичи январь ойида қайд этилган бўлса (102,3 %), август ва сентябрь ойларида эса минимал кўрсаткич рўйхатга олинган (100,3 %). 2019 йилда нархлар индексининг максимал даражаси август ойида шаклланиб (102,1%), минимал кўрсаткич июль ойи ҳиссасига тўғри келади (100,4 %). Ўзаро таққосланаётган икки йил натижалари бўйича истеъмол нархлари индекслари орасидаги сезиларли даражадаги тафовут январь (2019 йилдаги 100,5 %га қарши 2018 йилдаги 102,3 %) ҳамда август ойида қайд этилган (102,1 %га қарши 100,3 %).



### Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



Ўтган йилнинг декабрига нисбатан 2018 ва 2019 йилларнинг таққосланаётган даврларидаги ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг истеъмол нархлари ўзгариши динамикаси нархларнинг ўсиши бўйича нисбатан ўхшаш тенденцияни такрорлайди. Бироқ, 2018 йилнинг январь ва июль ойларида нархларнинг юқори даражада ошганлигини ҳисобга олса, 2018 йилнинг январидан сентябрь ойигача умумий нархлар ўсиши 2019 йилнинг мос давридаги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлди (109,1 %га қарши 108,8 %).



### Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



Қуйида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ноозиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳларининг қисқа муддатли ойлик истеъмол нархлари ўзгариши динамикаси тақдим этилган:



2019 йилнинг биринчи уч чораги давомида март ойида кийим-кечак (1,7 %), апрель ойида оёқ кийим (1,4 %), мато ва эшилган иплар (2,1 %), февралда маиший тўқимачилик маҳсулотлари (2,1 %), маданий моллар (5,9 %), апрель ойида қурилиш материаллари (1,2 %), март ва апрель ойларида шахсий гигиена маҳсулотлари (2,1 %), февралда алоқа воситалари (9,5 %), августда автомобиллар учун ёқилғи (14,7 %), нархлари сезиларли даражада қимматлашган. Шу билан бир қаторда, жорий йилнинг февраль ойидан апрель ойига қадар автомобиллар учун ёқилғи нархлари 0,1-0,3 % оралиғида арзонлашган.

2019 йилнинг январидан март ойигача, шунингдек, июнь, июль ва сентябрь ойларида тамаки маҳсулотлари нархлари барқарор сақланиб турган. Апрель ҳамда май ойларида сигарет нархлари 5,0 % ва 0,1 %га, август ойида 0,9 %га қимматлашган.


Йил бошидан автомобиллар учун ёқилғи (22,4 %), китоблар, газета ва журналлар (20,4 %), ювиш ва тозалаш воситалари (12,5 %), асосий маиший маҳсулотлар ва электр жиҳозлари (12,0 %) нархлари сезиларли даражада қимматлашди. Ушбу давр мобайнида маданий моллар 11,7 %, шахсий гигиена воситалари, матолар ва эшилган иплар 9,8 %, маиший тўқимачилик маҳсулотлари 7,9 %, оёқ кийим 7,6 %, кийим-кечак, гилам ва гилам маҳсулотлари 7,5 % ва қурилиш материаллари нархлари 4,5%га ошган.

### 2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларининг истеъмол нархлари индекси, %

		2018 йилнинг декабрига нисбатан
	Кийим-кечак	107,5
	Оёқ кийим	107,6
	Мато ва эшилган иплар	109,8
	Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	107,9
	Маданий моллар	111,7
	Қурилиш материаллари	104,5
	Гилам ва гилам маҳсулотлари	107,5
	Асосий маиший товарлар ва электр жиҳозлари	112,0
	Ювиш ва тозалаш воситалари	112,5
	Автомобиллар учун ёқилғи	122,4
	Китоблар, газеталар ва журналлар	120,4
	Шахсий гигиена маҳсулотлари	109,8

Ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан умумий истеъмол нархлари индекси ўсишига кийим-кечак ва оёқ кийим (0,76 ф.д.), шунингдек, автомобиллар учун ёқилғи ҳамда маиший ёнилғи (0,64 ф.д.) нархларининг қимматлашиши сезиларли даражада таъсир кўрсатган. Умумий кўрсаткичнинг ўсишига асосий маиший буюмлар ва электр жиҳозлари нархларининг қимматлашиши 0,21 ф.д.да, қурилиш материаллари 0,19 ф.д.да, ювиш ва тозалаш воситалари 0,18 ф.д.да, шахсий гигиена товарлари 0,16 ф.д.да, маиший тўқимачилик маҳсулотлари, мато ва эшилган иплар умумий ҳисобда 0,16 ф.д.да, маданий моллар ва алоқа воситалари 0,14 ф.д.да, дори-дармонлар 0,13 ф.д.да таъсир этди. Бундан ташқари, ноозиқ-овқат маҳсулотларининг асосий гуруҳлари нархларининг ўсиши ва умумий индексга таъсири бўйича навбатдаги ўринлар мебель, гилам ва гилам маҳсулотлари (0,11 ф.д.) ҳамда заргарлик буюмлари (0,08 ф.д.) гуруҳи маҳсулотларига тегишлидир.

**2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича  
ноозиқ-овқат маҳсулотлари асосий гуруҳлари нархларининг  
ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари индекси  
ўсишига қўшган ҳиссаси, ф.д.**



Ўтган йилнинг мос ойига нисбатан 2019 йилнинг сентябрь ойида автомобиллар учун ёқилғи (32,7 %), босма нашр маҳсулотлари (20,8 %), алоқа воситалари (16,8 %), ювиш ва тозалаш воситалари (16,0 %), асосий маиший буюмлар ва электр жиҳозлари (14,8 %), мато ва эшилган иплар (13,6 %), маданий моллар (13,3 %) ҳамда шахсий гигиена товарлари (13,1 %) нархларининг сезиларли равишда кўтарилган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича ноозиқ-овқат маҳсулотлари асосий  
гуруҳларининг истеъмол нархлари индекси, %**

<i>Номи</i>	<i>2019 йил сентябрь 2018 йил сентябрга нисбатан</i>
Кийим-кечак	112,2
Оёқ кийим	111,3
Газлама ва эшилган иплар	113,6
Қурилиш материаллари	104,7
Мебель	109,7
Гилам ва гилам маҳсулотлари	112,4
Маиший тўқимачилик маҳсулотлари	112,2
Асосий маиший маҳсулотлар ва электр асбоблари	114,8
Ошхона жихозлари	110,2
Ювиш ва тозалаш воситалари	116,0
Автомобиллар учун ёқилғи	132,7
Маданий моллар	113,3
Алоқа воситалари	116,8
Китоб, газета ва журналлар	120,8
Шахсий гигиена маҳсулотлари	113,1
Тамаки маҳсулотлари	111,1
Қишлоқ хўжалик анжомлари	109,2

2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида аҳоли учун пуллик хизматлар нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,4 %ни ташкил этди.

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 йилнинг сентябрь ойида аҳоли учун пуллик хизматлар тарифлари нархлари ўртача 13,7 %, 2018 йилнинг сентябрь ойига нисбатан эса 19,5 %га кўтарилган.




### Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун пуллик хизматларнинг истеъмол нархлари индекси динамикаси, %



#### ўтган ойга нисбатан



#### ўтган йилнинг декабрига нисбатан



#### ўтган йилнинг мос ойига нисбатан



■ 2018 й.

■ 2019 й.

2019 йил бошидан тарифларнинг сезиларли даражада қимматлашганлиги август ойида қайд этилган бўлиб (ой давомида 5,6 %), бу эса ўз навбатида асосий турдаги коммунал хизматлар тарифлари янги нархларининг жорий қилиниши билан боғлиқ.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги “Ёқилги-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириши тўғрисида”ги 633 сон қарорига асосан, электр энергия ва маиший истеъмолчилар учун газ нархларининг янги тарифлари амалиётга жорий қилинди. Август ойида электр энергия тарифлари 18,0 %, тармоқ газ 18,8 %, маиший мақсадларда фойдаланилувчи суюлтирилган газ 17,9 %га қимматлашди.

Маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари асосида жорий йилнинг август ойидан бошлаб деярли барча ҳудудларда совуқ сув таъминоти ва канализация учун тарифлар оширилди. Ушбу турдаги хизматлар тарифлари ўрта ҳисобда 8,2 %га ошди. Шу ойда иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти хизматлари тарифларнинг республика бўйича ўртача ўсиши суръати 9,0 % ва 9,5 % ни ташкил этди.

2018 ва 2019 йилларнинг январь-сентябрь ойларидаги тарифлар ўсишини ўзаро таққосласак, 2019 йилнинг август ойидаги нархларнинг кўтарилиши январь-июль ойи натижаларидан фарқли равишда туб бурилиш касб этди ва жорий йилнинг январь-август ойи натижалари ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичга нисбатан юқори бўлди (11,5 %га қарши 8,9 %). Ушбу тенденция сентябрь ойида ҳам давом этди (2019 йилнинг январь-сентябрь ойидаги 113,7 % қарши 2018 йилнинг январь-сентябрь ойидаги 110,1 %).



### 2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун асосий турдаги пуллик хизматлар гуруҳларининг истеъмол нархлари индекси, %

ўтган йилнинг декабрига нисбатан

#### Таълим хизматлари

121,3

#### Мақтабгача таълим хизматлари

120,5

#### Уй-жой коммунал хизматлари

117,7

#### Маиший хизматлар

114,9

#### Дам олиш хизматлари

111,5

#### Спорт хизматлари

110,3

#### Йўловчи транспорти хизматлари

110,1

#### Тиббий хизматлар

109,9

#### Алоқа хизматлари

104,8






2019 йилнинг 9 ойида нархларнинг кўтарилиши бўйича етакчи ўринларни таълим (21,3 %) ҳамда мактабгача таълим муассасалари хизматлари банд этган (20,5 %).

*Маълумот учун:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги №-4086 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида” қарорига асосан 2019 йил 1 майдан бошлаб бюджетдан ташқари молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болаларни парвариши учун ота-оналар томонидан тўланадиган тўловлар миқдори оширилди. Ўрта ҳисобда республикада мактабгача таълим муассасаларига хизмат кўрсатиши 20,5 %га ошди.

2019 йилнинг 1 мартдан мамлакатнинг олий таълим муассасаларида шартнома асосида ўқитиш тўловлари миқдорининг 2018 йилнинг 1 ноябидан энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 10,0 %га оширилганлиги билан боғлиқ. Янги ўқув йили бошидан кузатилаётган йўналишлар бўйича тўловлар миқдори ўртача 18,7 %га кўтарилган.

Ой давомидаги умумий ИНИГа таъсир даражаси бўйича юқори поғоналарни уй-жой коммунал хўжалиги, маиший, шунингдек, йўловчи ташиш транспорти ҳамда алоқа хизматлари нархлари банд этган.

**2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун пуллик хизматлар асосий гуруҳлари нархларининг ўзгариши ва уларнинг умумий истеъмол нархлари индекси ўсишидаги таъсири, ф.д.**



Ўтган йилнинг мос ойига нисбатан жорий йилнинг сентябрь ойида уй-жой коммунал хўжалиги (29,8 %), таълим (22,7 %), мактабгача таълим муассасалари хизматлари (20,5 %) соҳасидаги нархлар сезиларли даражада ошди. Бошқа турдаги тарифларнинг ўсиши 5,2 % дан 19,2 % гача бўлган ораликни ташкил этган.

**Ўзбекистон Республикаси бўйича аҳоли учун пуллик хизматлар  
асосий гуруҳларининг истеъмол нархлари индекси, %**

<i>Номи</i>	<i>2019 йил сентябрь 2018 йил сентябрига нисбатан</i>
Маиший хизматлар	119,2
Уй-жой коммунал хизматлари	129,8
Йўловчи ташиш транспорти хизматлар	115,7
Алоқа хизматлар	105,2
Спорт хизматлар	112,9
Дам олиш хизматлар	112,6
Тиббий хизматлар	113,9
Таълим хизматлар	122,7
Мактабгача таълим муассасалари хизматлар	120,5

2019 йилнинг январь-сентябрида **саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг** ўртача ойлик ўсиш суръати 2,5 %ни ташкил этди.

Жорий йилнинг 9 оyi давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар даражаси ўртача 24,6 %га кўтарилган.

Йиллик даврда (2019 йил сентябрь 2018 йилнинг сентябрига нисбатан) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси 49,9 %ни ташкил этган.

*Таққослаш учун:* 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,7 %ни ташкил этган.

2018 йилнинг биринчи 9 ойида ушбу фаолият тури бўйича нархлар ўртача 16,0 %га кўтарилган.

2018 йилнинг сентябрь ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг йиллик индекси 127,9 %ни ташкил этган

2019 йилнинг январь-сентябрида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ой давомида юқори даражаларда кўтарилганлиги январь (8,8 %) ва август (9,5 %) ойларида рўйхатга олинган.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %**



Йиллик кўринишда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси динамикаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида нархларнинг январь ойида 149,2 %дан июнь ойигача 136,7 %гача пасайганлиги билан тавсифланса, кейинчалик август ва сентябрь ойларида 149,9 %гача кўтарилган.

**Асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотлари  
ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %**

	<i>ўтган ойга нисбатан</i>			<i>2019 йил сентябрь 2018 йил сентябрга нисбатан</i>
	<i>июль</i>	<i>август</i>	<i>сентябрь</i>	
<b>Саноат фаолияти</b>	<b>100,7</b>	<b>109,5</b>	<b>103,3</b>	<b>124,6</b>
<b>Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш</b>	<b>98,6</b>	<b>136,1</b>	<b>102,2</b>	<b>136,7</b>
<b>Кўмир ва лингит қазиб олиш</b>	<b>100,0</b>	<b>131,8</b>	<b>100,0</b>	<b>131,8</b>

	<i>ўтган ойга нисбатан</i>			<i>2019 йил сентябрь 2018 йил сентябрга нисбатан</i>
	<i>июль</i>	<i>август</i>	<i>сентябрь</i>	
Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш	98,6	137,1	102,3	137,4
Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	100,0	100,6	101,1	110,3
<b>Ишлаб чиқариш саноати</b>	<b>101,3</b>	<b>102,8</b>	<b>103,0</b>	<b>120,8</b>
Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,1	100,1	101,8	105,0
Ичимликлар ишлаб чиқариш	101,0	103,0	105,8	112,6
Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	101,2	98,8	100,0	95,1
Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,3	100,3	100,6	101,2
Кийим ишлаб чиқариш	100,8	99,8	101,9	112,3
Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	100,0	101,5	100,0	113,1
Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	106,7	100,0	106,3	151,0
Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,2	112,5
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	100,7	130,3	101,4	135,7
Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш	99,5	101,9	101,6	133,2
Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	95,4	100,0	95,6	100,2
Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	100,0	110,4	97,6	103,2

	ўтган ойга нисбатан			2019 йил сентябрь 2018 йил сентябрга нисбатан
	июль	август	сентябрь	
Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	98,5	99,7	102,1	107,5
Металлургия саноати	107,6	103,6	111,9	213,5
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	99,9	100,0	100,1	114,8
Электр ускуналар ишлаб чиқариш	100,6	100,3	100,0	100,3
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	100,0	100,8	102,0	104,8
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	100,9	100,0	100,0	101,5
Бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш	100,0	100,0	100,0	121,5
Мебель ишлаб чиқариш	100,0	100,2	100,0	94,8
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>99,7</b>	<b>115,5</b>	<b>109,2</b>	<b>131,5</b>
<b>Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>100,0</b>	<b>101,7</b>	<b>104,5</b>	<b>106,9</b>

Қуйидаги инфографик маълумотларда акс этганидек, таҳлил қилинаётган давр мобайнида тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш фаолияти соҳасидаги нархларнинг ўзгариши динамикаси бир маромда кечмаган.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида  
ишлаб чиқарувчиларнинг тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш  
фаолияти нархлари индекси, %**

**ўтган ойга нисбатан**



**ўтган йилнинг  
декабрига нисбатан**



**ўтган йилнинг  
мос ойга нисбатан**




Март, апрель ва июль ойларида ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархларининг 1,5 %, 5,4 % ва 1,4 %га пасайганлиги асосан хом нефт ҳамда табиий газ қазиб олиш нархларининг арзонлашиши билан боғлиқ (март ойида 1,6 %, апрелда 5,6 %, июлда 1,4 %). Август ойида эса нархлар сезиларли даражада кўтарилиб (ой давомида 36,1 %), бу вақтга келиб кўмир ва лигнит қазиб олиш нархлари 31,8 %, хом нефт ва табиий газ ўртача 37,1 %га ошган.

2019 йилнинг уч чораги давомида кўмир ва лигнит қазиб олиш нархлари август ойи натижаларини инобатга олмаганда барқарор суръатда сақланган (август ойи давомида тошкўмир қазиб олиш нархлари 10,0 %, лигнит 32,8 %га кўтарилган). Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида хом нефт ва табиий газ қазиб олиш нархлари турли тебранишларга дуч келган. Ушбу маҳсулот нархларининг юқори даражада кўтарилганлиги август ойида рўйхатга олинган бўлиб, бунда қазиб олинган хом нефт ва табиий газ конденсати нархлари 19,1 %, табиий газ 37,2 %га ошган.

## 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг хом нефт ва табиий газ қазиб олиш нархлари индекси динамикаси, %

ўтган ойга нисбатан



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2019 йил 14 августдаги қарори билан 2019 йилнинг 15 августдан бошлаб тўғридан-тўғри шартномалар бўйича нефт ва газ қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан сотиладиган маҳсулотларнинг тармоқ ичидаги нархлари, шунингдек, комиссия шартномасига мувофиқ республика истеъмолчиларига табиий газ ва нефт маҳсулотларини етказиб беришга ваколатли ташиқлотлар учун комиссия тўловлари тасдиқланди.*


Жорий йилнинг 9 ойида кўмир ва лигнит қазиб олиш нархлари 31,8 %, хом нефт ва табиий газ 37,4 %га кўтарилган (жумладан, хом нефт ва газ конденсати 27,5 %, табиий газ 37,5 %). Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият нархлари ушбу даврда 10,3 %га, жумладан, қурилиш ва пардозлаш учун тош, оҳактош, гипс, бўр ва сланецлар қазиб олиш соҳасидаги нархларнинг ўсиш суръати 25,2 %, очик шағал ва қум конларини ишлаш, тупроқ ва каолин қазиб олиш 7,8 %, кимё саноати ва ўғитлар ишлаб чиқариш учун минерал хом ашёлар қазиб олишда эса биржа савдолари таъсирида нархлар 51,5 %га пасайган

Йиллик даврда (2019 йил сентябрь 2018 йилнинг сентябрига нисбатан) хом нефт, нефт, битумга оид турлардан олинган маҳсулотлар нархлари 2,2 баравардан зиёдроқ, табиий газ конденсати 2,5 баравар, газсимон шаклдаги табиий газ 3,4 баравар, кўмир (лигнит) 32,8 %, оҳактош 28,5 %, шағал 18,4 %, табиий қум 11,2 %, тошкўмир 10,0 %, каолин 8,2 %га қимматлашди.


Шу билан бир қаторда гравий ишлаб чиқарувчилар нархлари 12,3 %, хом ёки тозаланмаган олтингугурт нархлари 51,5 %га пасайган.

## 2019 йилнинг сентябрь ойида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолияти нархлари индекси, %


### Кўмир ва лигнит қазиб олиш



### Хом нефт ва табиий газ қазиб олиш



### Тоғ-кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш саноати маҳсулотлари нархларининг ўзгаришига кўра, нархларнинг сезиларли даражада кўтарилиши январь ойида қайд этилиб (11,4 %), февраль ва март ойларида эса ўсиш суръатларининг секинлашганлигини (ой давомида нархлар мос равишда 1,0 % ва 0,4 %га ошган), апрель ва июнь ойларида нархларнинг пасайганлиги (0,5 % ва 0,1 %), ҳамда май ойида нархларнинг бироз қимматлашганлиги (0,2 %) рўйхатга олинган. Июль ойидан эътиборан ушбу йўналишдаги нархлар ҳар ойда бир фоизлик кўрсаткичдан юқори даражада кўтарилиб борган.

2019 йил бошидан ишлаб чиқарувчиларнинг қайта ишлаш саноати маҳсулотлари нархлари 20,8 %га кўтарилган.

Ўтган йилнинг сентябрь ойига нисбатан 2019 йилнинг учинчи чораги якунидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари 34,9 %га ошган.




**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотлари нархлари индекси, %**



**Ўтган йилнинг декабрига нисбатан**



**Ўтган йилнинг мос ойига нисбатан**




2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нархларнинг ошиши бўйича етакчи учлик қуйидаги фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади: металлургия саноати (2,1 баравар), мебелдан ташқари ёғоч ва пўкак буюмлар ишлаб чиқариш (51,0 %), кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш (35,7 %).

Металлургия саноати маҳсулотлари нархлари январь (71,9 %), июль (7,6 %) ва сентябрь (11,9 %) ойларида сезиларли даражада қимматлашди.

Мебелдан ташқари ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз товарлари нархларини февраль (33,1 %), шунингдек, июль (6,7 %) ҳамда сентябрь (6,3 %) ойида сезиларли даражада оширган.

Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги нархларнинг бирмунча юқори суръатларда ошганлигини август ойида рўйхатга олинган (30,3 %).

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида нархларнинг ўсиши борасида  
этакчи ўринларни эгаллаган фаолият турлари бўйича саноат  
маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг  
динамикаси, %**



- Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш
- Ўғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш
- Metallургия саноати


2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан жорий йилнинг сентябрь ойида металлургия саноати нархлари индекси қимматбаҳо металл нархларининг қимматлашиши таъсирида шаклланиб (нархлар 2,6 бараварга ошган), жумладан, ишлов берилмаган (ярим ишлов берилган) ёки кукун шаклидаги олтин 2,7 баравар, ишлов берилмаган (ярим ишлов берилган) ёки кукун шаклидаги кумуш 1,8 баравар, мис сим 11,9 %га қимматлашган. Шулар билан бир қаторда ишлов берилмаган рух 0,1 %, молибден ва ундан тайёрланган буюмлар 0,8 %га арзонлашган. Чўян, пўлат ва темир қотишмаларни ишлаб чиқариш нархлари ушбу давр мобайнида 2,8 %га кўтарилган.

Ёғоч ва пўкак буюмлар ишлаб чиқаришда (мебелдан ташқари), ёғочдан эшиклар, уларнинг коробкалари ва остоналари нархлари сезиларли даражада қимматлашган (жорий йилнинг 9 ойи давомида 2,7 баравар).

Жорий йил бошидан нефтни қайта ишлаш маҳсулотларидан бошқаларга нисбатан авиация бензини нархлари юқори даражада кўтарилган (1,6 баравар). Умумий ҳисобда ушбу гуруҳ маҳсулотлари нархларининг ўзгаришига биржа савдолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги “Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида”ги 633-сон қарори сезиларли даражада таъсир этган.



### 2019 йилнинг сентябрь ойида кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари саноатида ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг қуйидаги маҳсулотлари нархларида қимматлашиш рўйхатга олинган: бирламчи формалардаги солиштирма оғирлиги 0,94дан кам бўлган полиэтилен 3,2 баравар, сублимация қилинган ёки чўктирилган олтингугурт, коллоид олтингугурт 2,5 баравар, сульфат кислотаси (38,2 %), динатрий карбонати (34,9 %), турли концентрациядаги этил спирти ва бошқа денатурланган спиртлар (34,3 %), бўлак, брусок ва шу каби шакллардаги совун ва юзаки актив органик моддалар (пардоз учун ишлатиладиганидан ташқари) 25,4 %, фосфинатлар, фосфонатлар, фосфатлар, полифосфатлар 21,6 %, гербицидлар 16,4 %, таркибида азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар 15,0 %, техник олтингугурт 13,3 %, метил спирти ва сирка кислотаси 5,0 %га қимматлашган.

Шу билан бир қаторда ишлаб чиқарувчиларнинг формальдегид 31,3 %, бирламчи формалардаги солиштирма оғирлиги 0,94дан кам бўлган полиэтилен 22,3 %, гугурт 8,5 % ва денатурланмаган этил спирти 4,6 %, бирламчи формалардаги полипропилен маҳсулотлари нархларининг 0,8 %га пасайганлиги қайд этилган.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида бошқа турдаги транспорт воситалари ишлаб чиқариш соҳасидаги темир йўл вагонлари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, йўл ускуналари ва мосламалари нархларининг 26,0 %га ошганлиги қайд этилган.

Қуйида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида бошқа нometалл маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг алоҳида турдаги маҳсулотлари нархлари индекси тақдим этилган:



Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқарувчилар нархлари 14,8 %га, жумладан, қора металллардан миноралар ва панжарасимон мачталар 6,7 %, бошқа гуруҳларга киритилмаган, қора металллардан тайёрланган бошқа конструкциялар ва уларнинг қисмлари 28,2 %, бошқа қора металллардан (қуйма чўяндан ташқари), сирланган ошхона, емакхона ёки бошқа маиший буюмлари ва уларнинг қисмлари 10,1 %га кўтарилган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотлари нархларини ўртача 12,6 %га оширдилар. Йиллик даврда (2019 йил сентябрь 2018 йил сентябрга нисбатан) мазкур фаолият туридаги ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўсиш суръати 17,1 %ни ташкил этган.

**2019 йилнинг сентябрь ойида ичимликлар ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳида турдаги маҳсулотлари нархлари индекси, %**

Номи	2019 йил сентябрь:	
	2018 йилнинг декабрига нисбатан	2018 йилнинг сентябрига нисбатан
Спирт настойкаси, коньяк спиртидан ташқари	107,7	114,9
Ароқ	109,5	122,9
Коньяк спирти (коньяк дистилляти)	110,0	121,0
Табиий қурук узум шароби (кўпикланадигандан ташқари)	109,3	109,3
Спирт билан 15%дан кўп концентратланган бошқа табиий узум шароблари	109,9	116,8
Пиво (пиво тайёрлайдиган чиқиндилардан ташқари)	99,9	92,4
Ширинлик қўшилмаган табиий минерал газли сувлар	105,7	105,3
Газланган, ширинлантирилмаган, табиий минерал сувлар	100,9	100,8
Шакар, бошқа ширинлик ёки хушбўйлаштирувчи моддалар қўшилган сувлар, жумладан минерал ва газли сувлар	122,3	122,7

Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш нархлари юқори суръатларда қимматлашиши февраль ойида қайд этилиб, бунда нархлар 12,2 %га ошган. Умумий ҳисобда 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида ушбу фаолият тури бўйича нархларнинг ўсиш суръати 12,5 %ни ташкил этди. Гофрировка қилинган қоғоз ва картондан ясалган қутилар, яшиқлар ва қутичалар нархлари ўтган давр мобайнида 29,7 %га қимматлашиб, бошқа толали материаллардан (ёғочдан ташқари) олинган целлюлоза (масса) нархлари эса аксинча 1,0 %га арзонлашган.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида кийим ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар ўртача 12,3 %га қимматлашди. Коржомалар ишлаб чиқариш йўналишидаги нархлар мазкур давр мобайнида 14,8 %, бошқа устки кийимлар 20,0 %, ички кийимлар 7,4 %га ошган. Нархларнинг сезиларли даражадаги қимматлашиши эса февраль (8,2 %) ҳамда сентябрь (1,9 %) ойларида рўйхатга олинган.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги умумий нарх индексларининг кўтарилишига қарамасдан, алоҳида фаолият турларида нархларнинг пасайишлар кузатилган. Ҳусусан, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида тамаки маҳсулотлари 4,9 %га, босма-нашр маҳсулотлари нархлари 4,7 %га арзонлашди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари ўзгариши бир маромда кечмади. Январь, март ва август ойларида нархларнинг арзонлашганлиги (мос равишда 13,9 %, 3,5 % ва 1,2 %), республикада ишлаб чиқарилаётган тамаки ва тамаки маҳсулотларига янги акциз солиқ ставкаларининг жорий қилиниши ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг нархлар сиёсатидаги амалга оширилаётган ислохатлар билан боғлиқ.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сон Қарори асосида 2019 йилда ишлаб чиқариладиган сигарет (филтрли ёки филтрсиз) ва папирослар учун акциз солиқлари 1000 дона учун 117900 сўмни ташкил этмоқда.*

*Юқорида қайд этилган қарорнинг “9-б” бандига мувофиқ, 2019 йил 1 мартдан қатъий белгиланган солиқ билан бир қаторда, акциз ва қўшилган қиймат солиқларини инобатга олмаганда сотилган маҳсулотлар қийматидан 4 % миқдоридан асвалор ставкасининг киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган сигареталарга акциз солигининг аралаш ставкаси жорий қилинди*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2019 йилдаги “Акциз солигига тортиладиган айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5771-сон ва 26.09.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5837-сон Фармонлари асосида жорий йилнинг 1 октябридан мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тамаки ва бошқа маҳсулотларга нисбатан янги акциз солиқлари жорий қилинди. Энди сигаретларга (филтрли ёки филтрсиз), шунингдек, папиросларнинг акциз солиги ишлаб чиқарувчи томонидан сотилган товарлар қийматининг ва қўшилган қиймат солигидан ташқари акциз солиги ставкаси белгиланди (141 500 сўм / 1000 дона+9 %).*



## 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноат фаолиятидаги нархларнинг пасайиши, %

ўтган йилнинг декабрга нисбатан



Ёзилган  
материалларни  
нашр қилиш ва акс  
эйтириш

»» 95,3 %



Тамаки  
маҳсулотлари  
ишлаб чиқариш

»» 95,1 %

Маълумот учун: ҳалқаро стандартлар талаблари ва миллий услубий низомга асосан, саноат маҳсулотлари нархлари индексини шакллантиришида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нархлари ҚҚС ва акцизларсиз рўйхатга олинади. Корхоналарнинг сотилаётган нархларининг сақланиши билан акциз солиғи қийматларининг кўтарилиши натижасида тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг пасайишига олиб келди.

2018 йилнинг декабрь ойига нисбатан 2019 йилнинг сентябрь ойида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш нархлари индекси 131,5 %, 2018 йилнинг сентябрь ойига нисбатан эса 170,5 %ни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %



#### ўтган ойга нисбатан



#### ўтган йилнинг декабрга нисбатан




#### ўтган йилнинг мос ойга нисбатан



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида буғ ва иссиқ сув ишлаб чиқаришдаги нархлар сезиларли даражада кўтарилди (салкам 2,0 бараварга). Нархларнинг энг юқори ўсиш суръати январь ойида қайд этилган (56,8 %). Шунингдек, уларнинг февраль (9,4 %) ҳамда август (16,2 %) ойларидаги кўтарилиши ҳам сезиларли даражада бўлган.

2019 йилнинг биринчи 9 оyi давомида электр энергияси ишлаб чиқариш соҳасидаги нархлар даражаси 31,6 %га ошган. Бунда, жорий йилнинг январидан июль ойигача ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархлари барқарор сақланиб, август ҳамда сентябрь ойларида эса нархлар 15,6 % ва 13,8 %га кўтарилган. 2018 йилнинг охирига нисбатан электр энергияси ишлаб чиқаришдаги нархларнинг ўсиш суръати 31,6 %ни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасидаги ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси динамикаси, %



- Электр энергиясини ишлаб чиқариш
- Иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш
- Газсимон ёнилғини қувурлар орқали тақсимлаш бўйича хизматлар
- Газ ишлаб чиқариш

Кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ ишлаб чиқариш йил бошидан 30,1 %га ошган бўлса, нархларнинг кўтарилиши фақатгина август ойида қайд этилган.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш нархлари ўзгариши бир маромда кечмади. Шундай қилиб, январь, май ҳамда август ойларида ушбу хизматлар нархлари ой давомида мос равишда 14,7 %, 9,5 % ва 12,7 %га кўтарилган. Февраль ойидан апрель ойига қадар нархлар 18,5 % дан 3,6 % оралиғида пасайган. Шунингдек, июнь, июль ва сентябрь ойларида газ тақсимлаш хизматлари нархларининг пасайганлиги ҳам қайд этилган (мос равишда 6,6 %, 2,8 % ҳамда 19,9 %). Нархларнинг бундай тебраниши асосан газсимон ёқилғи харид нархларининг ўзгариши билан боғлиқ. Умумий ҳисобда, юқорида номлари келтирилган хизматларнинг умумий нархлари йил бошидан ўртача 19,5 %га арзонлашган.



Йиллик даврда (2019 йил сентябрь 2018 йилнинг сентябрига нисбатан) ишлаб чиқарилаётган электр ҳамда иссиқлик қуввати нархлари 1,8 бараварга, кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ нархлари 2,1 бараварга қимматлашиб, газсимон ёқилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш нархлари эса аксинча 45,4 %га арзонлашган.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишдаги нархлар динамикаси жорий йилнинг январь-июль ойларида нисбатан барқарор сақланган (нархлар 7 ой давомида фақатгина 0,5 %га ошган). Август ва сентябрь ойларида ушбу соҳадаги ишлаб чиқарувчилар нархлари 1,7 % ҳамда 4,5 %га, жорий йилнинг 9 оyi давомидаги нархларнинг ўсиш суръати 6,9 %ни ташкил этган.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасида ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси, %**



Йил бошидан сувни йиғиш, қайта ишлаш ва қувурлар бўйича тақсимлаш нархлари 13,1 %га, оқава сувларга ишлов бериш, транспортировка қилиш ва йўқотиш 10,4 %га қимматлашди.

2019 йил сентябрь ойида сувни қайта ишлаш ва қувурлар бўйича тақсимлаш нархлари даражаси 2018 йилнинг сентябрь ойидаги нархларга нисбатан 34,9 % ошиб, оқава сувларга ишлов бериш, транспортировка қилиш ва йўқотиш 27,5 %га қимматлашди.

## Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

**Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)** - инфляция даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, бу ўртача истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарлар ва хизматлар мажмуи қийматининг умумий ўзгаришини ҳисоблайди, яъни, маълум давр мобайнида, товар ва хизматлар истеъмоли миқдорининг ўзгармас бўлган ҳолида, аҳолининг истеъмол харажатлари умумий миқдорининг ўзгаришини ифодалайди.

ИНИда, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича турли товар ва хизматлар нархларининг ҳаракати ўртача даражага келтирилади.

ИНИни ҳисоблаш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

– истеъмол бозорида товар ва хизматларнинг сотиш жойида рўйхатга олиш усули бўйича олинган нархларнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар;

– аҳолининг ҳақиқий истеъмол харажатлари таркиби тўғрисидаги маълумотлар.

Кузатувлар мамлакатнинг барча ҳудудларидаги уюшган савдо мажмулари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, шунингдек, кийим-кечак, аралаш ва озиқ-овқат бозорларида амалга оширилади. ИНИни шакллантириш учун нархлар ва тарифларни рўйхатга олиш ҳар ойининг 10-санасидан 20-санасигача амалга оширилади.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилувчи истеъмол товарлари (хизматлари) рўйхати, аҳоли томонидан энг кўп истеъмол қилинадиган товар ва хизматлар республиканинг барча ҳудудлари учун ягона бўлган гуруҳини ифодалайди. Унинг таркиби 386 турдаги товар ва хизматлардан иборат бўлиб, шулардан озиқ-овқат маҳсулотлари 112 та, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 206 та ва хизматлар 68 тани ташкил этади.

Йиғма ИНИни ҳисоблаш, базис даврининг салмоғидан фойдаланган ҳолда, модификацияланган Ласпейрес формуласи орқали амалга оширилади. ИНИни ҳисоблаш жараёнида салмоқ сифатида, оилаларнинг товар ва хизматлар сотиб олиш харажатлари тўғрисида уй хўжалиқларининг кузатуви натижасида олинадиган аҳолининг истеъмол харажатларидан фойдаланилади.

**нарх** – товар бирлиги миқдори учун маълум бир валюта (миллий ёки халқаро) пул бирлигида ифодаланган товар қийматининг ифодаси.

**қиёсий нарх (муомаладаги нарх)** – айнан бир савдо объекти ва пуллик хизмат соҳасида рўйхатга олинган айнан бир ёки сифати бўйича айнан ўхшаш товар (хизмат, маҳсулот тури) нархи.

**рўйхатга олиш нархи** – сифати, сотиш шартлари ва давр оралиғи аниқ белгиланган муайян бир товар, маҳсулот ёки хизмат турига тўланган пул бирлиги миқдори.

**нархларни рўйхатга олиш** – истеъмол секторининг намунаси сифатидаги товар (хизматлар)нинг шакллантирилган тўпламига кирган товар (хизмат)лар нархлари тўғрисида маълумот тўплаш услуги.

**нархлар даражаси** - муайян вақт, маълум бир ҳудудда, худди шундай истеъмол хусусиятлари билан товар ва товарларнинг умумий таркибида нархларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткич. Нархлар даражасини баҳолаш нархларни статистик ўрганиш босқичларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**ўртача нарх** – маълум вақт ёки макондаги бир турга мансуб товарлар гуруҳидаги нархларнинг ўзгаришини умумлаштириш характеридаги нарх. Статистик

тажрибаларга асосан, дастлабки маълумотлар ҳамда уларнинг шакллантириш тартибига кўра ўртача нархларни ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд.

**мавсумийлик** – йилда вақт алмашилиши, бошоқли маҳсулотлар, сабзавот ва меваларнинг етилиши даври ҳамда уларни қайта ишланиши, маълум ишларнинг бажарилиши, шунингдек, урф-одатлар, байрамлар ҳамда шу каби бошқа омиллар билан боғлиқ тақдорланувчи ўзгаришлар ва бошқалар.

**нарх индекси салмоғи** – нарх индексининг шаклланишида қатнашувчи ўлчам бўлиб, улар ёрдамида:

а) кузатилаётган ҳодисаларнинг умумий йиғиндисидagi ҳар бир аниқ таркибий қисмнинг мазмуни ифодаланади;

б) аввалдан ўзаро солиштириб бўлмайдиган бирламчи таркибий қисмлар таққосланадиган шаклга келтирилади;

в) қўлланилаётган таснифлагичнинг барча босқичлари бўйича ўзаро солиштирилиши мумкин бўлган таркибий қисмлар кетма-кетлиги умумлаштирилади ва ўрганилаётган ҳодиса бўйича нарх ўзгаришининг умумий моҳияти аниқланади.

**индивидуал нарх индекси** – ўрганилаётган бир элементнинг жами нархлари ўзгаришини акс эттиради (аниқ турдаги товар, хизмат) ва индивидуал ҳодисани тавсифлашда фойдаланилади.

**жамланган (йиғма) нарх индекси** – алоҳида кичик гуруҳлар, гуруҳлар ёки ўрганилаётган жараёнлар бўйича умумий ҳисобда нархлар ўзгариши даражасини тавсифловчи ва индивидуал нарх индекслари асосида шаклланувчи нисбий кўрсаткич.

**саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (ИЧНИ)** – саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги инфляцион жараёнларни акс эттирувчи асосий индикаторлардан бири бўлиб, маълум вақт оралиғида ўзгармас ишлаб чиқариш тузилмаси бўйича ички (махаллий) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ўзгаришини тавсифлайди.

ИЧНИ ҳар йили танланма кузатув доираси асосида янгиланадиган вакил-товарлар ва корхоналарнинг иккита маълумотлар мажмуаси асосида ташкил топади:

– республика саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган, давлат статистика ҳисоботининг тасдиқланган шаклига асосан намунадаги доирага киритилган корхоналар томонидан тақдим этиладиган товарлар нархлари тўғрисидаги маълумот;

– саноат ишлаб чиқарувчи корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида маълумот.

Кузатувда “Ўзстандарт” агентлигининг 2011 йил 28 январдаги №05-268-сонли қарори билан тасдиқланган Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига мувофиқ (ИФУТ-2) асосий иқтисодий фаолият турлари В - “Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш”, С – “Ишлаб чиқарадиган саноат”, D – “Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш”, E – “Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш” секцияларига тааллуқли бўлган корхоналар қамраб олинади.

**ишлаб чиқарувчи нархи** – ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бирлигининг корхона “дарвозалари”дан чиққан вақтидаги, маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан харидорга йўналтирилиши билан боғлиқ қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, бошқа қўшимча солиқлар, савдо, сотиш устамаси, транспорт ва бошқа харажатлар ҳисобга олинмаган нархи.